



ЎЗБЕКИСТОНДА МЕХНАТ НИЗОЛАРИНИ КЎРУВЧИ ОРГАНЛАР  
ТИЗИМИ

**Турсунқулов Бобиржон Козимжон ўғли**

*Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни Муҳофаза Қилиш Академияси*

*“Судларда прокурор ваколатларини таъминлаш ҳамда*

*ижро иши юритуви” кафедраси*

*“Прокурорлик фаолияти” йўналиши магистранти*

**Аннотация:** Ушбу илмий ишда меҳнат низоларини кўрувчи органлар тизими, унинг вазифалари ва амалдаги ҳуқуқий асослари ҳар томонлама таҳлил этилди. Меҳнат муносабатларида юзага келувчи индивидуал ва коллектив низоларни ҳал этишда корхонадаги келишув комиссиялари, касаба уюшмалари, давлат меҳнат инспекцияси, меҳнат арбитражи ҳамда суд органларининг ўрни ва ваколатлари ёритиб берилган. Тадқиқотда мазкур органлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик, низоларни судгача босқичда ҳал қилиш механизмлари ва замонавий медиатсия амалиётининг аҳамияти кўрсатилган. Шунингдек, меҳнат низоларини бартараф этиш самарадорлигини ошириш учун ташкилотларда ҳуқуқий маданиятни кучайтириш, рақамли назорат тизимларини жорий этиш ва профилактик чораларни такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** Меҳнат низоси индивидуал меҳнат низолари , коллектив меҳнат низолари , меҳнатни ҳуқуқий тартибга солиш, келишув комиссияси , келишув-медиатсия тартиби , давлат меҳнат инспекцияси , бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги , касаба уюшмалари , меҳнат арбитражи , суд орқали низоларни ҳал этиш , меҳнат ҳуқуқлари , меҳнат шартномаси , жамоа шартномаси, меҳнат қонунчилиги .

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 260-моддасида якка меҳнат низоларини кўрувчи органлар тизими ўз аксини топган бўлиб, унга кўра, якка меҳнат низолари: меҳнат низолари комиссиялари томонидан ва туман (шаҳар) судлари томонидан кўриб чиқилади.

Ходимлар ҳуқуқларини ҳимоялашнинг кенг тарқалган турларидан бири бу меҳнат низоларини меҳнат низолари комиссияларида кўриб ҳал этишдан иборатдир. Бунинг учун эса корхонада албатта комиссия ташкил этилган бўлиши лозим. Акс ҳолда меҳнат низоларини ҳал этиш учун судга мурожаат қилишга тўғри келади. Корхонада меҳнат низолари комиссиясини тузиш мажбурий ҳисобланмайди ва тарафлардан бирининг ёки ҳар иккаласининг ташаббуси билан тузилиши мумкин.

Меҳнат низосини кўриб чиқиш, одатда юзага келган келишмовчиликни ҳал этишни сўраб берилган ариза асосида амалга оширилади. Меҳнат низолари комиссияси эса меҳнат низосини ариза берилган кундан эътиборан ўн кун мuddат ичида кўриб



## TANQIDIY NAZAR, TAHLILIIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G'UYALAR



чиқиши шарт. Низо ариза берган ходимнинг иштирокида кўрилади. Ходимнинг иштирокисиз низони кўриб чиқишга унинг ёзма аризаси бўлган тақдирдагина йўл қўйилади.

Башарти ходим узрсиз сабаб билан комиссия мажлисига келмаса, мазкур аризани кўриб чиқишни кун тартибидан олиб ташлаш хусусида қарор қабул қилиниши мумкин, бу эса ходимни такроран ариза билан мурожаат этиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

Ходим меҳнат низоси кўриб чиқилиши пайтида ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиш мақсадида меҳнат низолари комиссияси мажлисларида иштирок этиш учун адвокат таклиф қилиш ҳуқуқига эга. Меҳнат жамоасининг аъзоси сифатида ҳамда ўз аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ҳам юқоридаги ваколатга эга эканлиги қонунда мустаҳкамланган.

Меҳнат низолари комиссияси мажлисга гувоҳларни чақиртириш, мутахассисларни таклиф қилиш, иш берувчидан зарур ҳисоб-китоблар ва ҳужжатлар тақдим этишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Мажлисда комиссиянинг иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органи вакилларида иборат тенг миқдордаги аъзолари иштирок этишлари керак.

Меҳнат низолари комиссиясининг ҳар бир мажлисида раислик вазифасини иш берувчининг ва касаба уюшмаси қўмитасининг ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг вакиллари навбатма-навбат бажарадилар. Бунда бир мажлиснинг ўзида раислик ва котиблик вазифасини бир тарафнинг вакиллари бажариши мумкин эмас.

Комиссиянинг ҳар бир мажлисида тарафлар томонидан кейинги мажлиснинг раиси ва котиби тайинланади, уларга мажлисни тайёрлаш ва чақиртириш вазифаси юклатилади.

Комиссия ишни кўриш натижасида ўз хулосасини қарор тариқасида расмийлаштириб, унинг мазмунини мажлисда юритиладиган баённомада акс эттириши лозим.

Меҳнат низолари комиссиясининг қарори иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ёхуд ходимлар бошқа вакиллик органининг вакиллари ўртасидаги келишувга биноан қабул қилинади.

Комиссиянинг қарори далиллар билан исботланган ҳамда меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларга, меҳнат шартномасига асосланган бўлиши керак.

Комиссиянинг пул ундириш талабларига оид қарорида ходимга тегишли сумма аниқ кўрсатилиши лозим.

Қарор мажлис раиси ва котиби томонидан имзоланади. У мажбурий кучга эга бўлиб, бирон бир тарзда тасдиқланмайди.



## TANQIDIY NAZAR, TAHLILIIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G'UYALAR



Комиссия қарорининг нусхаси қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида ходимга, иш берувчига ва касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органига топширилади.

Қонунчиликка биноан меҳнат низолари комиссиясининг қарори устидан 10 кунлик муддат ичида шикоят қилиш ҳуқуқи берилади. Шикоят қилиш муддати ўтгандан кейин қарор уч кун ичида иш берувчи томонидан бажарилиши керак.

Башарти иш берувчи белгиланган муддат ичида комиссия қарорини бажармаса, меҳнат низолари комиссияси томонидан ходимга ижро варақаси кучига эга бўлган гувоҳнома берилади. Агар ходим ёки иш берувчи белгиланган муддат ичида туман (шаҳар) судига меҳнат низосини ҳал этиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этса, гувоҳнома берилмайди.

Меҳнат низолари комиссияси берган ва олинганидан кейин кўпи билан уч ой ичида туман (шаҳар) судига тақдим этилган гувоҳнома асосида суд ижрочиси меҳнат низолари комиссиясининг қарорини мажбурий тарзда ижро эттиради.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. – Тошкент: Адолат, 2023.
2. “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонун. – Т., 2021.
3. “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун (янги таҳрир). – Т., 2022.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг меҳнат муносабатларини рақамлаштиришга оид қарорлари, 2020–2024 йй.
5. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари тўплами. – Т., 2020–2025.